



Islamic Finance And Conventional Finance Organic Relationship And Individual Differentiative Aspects

The solution to our problems, the answer to our questions lies only in education. The key that opens all doors is only in education and upbringing.

Sh. Mirziyoyev

**Scientific supervisor: Karimjonova Munavvar Ibragimovna,
Ph.D. (DSc), Associate Professor,
Ruzinov Bakhtiyor Muhammad Ogli**

Tashkent University of Applied Sciences 3rd year student

Abstract: This article covers the principles, mechanisms and importance of Islamic finance and conventional financial systems. Also, the interrelationship and differences of traditional finance and Islamic finance, their role in the country's economy in the conditions of the market economy are revealed.

Key words: financial system, conventional finance, private sector, Islamic finance, Sharia law, takaful, Islamic contracts, profit sharing, sukuk, economic stability, ethical finance, interest.

Ислом Молияси Ва Анъанавий Молиянинг Узвий Боғлиқ Ва Ўзига Хос Фарқли Ж Иҳатлари

Муаммоларимизнинг ечими, саволларимизнинг жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикларни очадиган қалит ҳам – фақат ва фақат таълим ва тарбиядир.

Ш.Мирзиёев

**Илмий раҳбар: Каримжонова Мунаввар Ибрагимовна, п.ф.д. (DSc),
доцент,**



Тошкент амалий фанлар университети З-босқич талабаси Рўзинов
Бахтиёр Муҳаммад Ўғли

Аннотация: Ушбу мақолада ислом молияси ва анъанавий молия тизимларининг тамойиллари, механизmlари ва аҳамияти ёритилган. Шунингдек, анъанавий молия ва ислом молиясининг узвий боғлиқлик ҳамда фарқли жиҳатлари, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли очиб берилган.

Калим сўзлар: молия тизими, анъанавий молия, хусусий сектор, ислом молияси, шариат қонунлари, такафул, исломий шартномалар, фойда тақсимоти, сукук, иқтисодий барқарорлик, ахлоқий молия, фоиз.

Аннотация: В этой статье рассматриваются принципы, механизмы и важность исламских финанс и традиционных финансовых систем. Также раскрываются взаимосвязь и различия традиционных финанс и исламских финанс, их роль в экономике страны в условиях рыночной экономики.

Ключевые слова: финансовая система, традиционные финансы, частный сектор, исламские финансы, законы шариата, такафул, исламские контракты, участие в прибылях, сукук, экономическая стабильность, этические финансы, проценты.

Кириш

Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди. Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди¹.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон Фармони. 2022 йил 28 январь.



тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш бош мақсадимиздир.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш жараёнлари изчил давом этаётган бир вазиятда давлат бюджетининг барқарор молиявий ресурс базасини мустаҳкамлаш энг асосий ҳамда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон - 2030 стратегиясида монополь соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушкини ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш борасида кичик ва ўрта бизнеснинг халқаро бозорларга чиқишига имкониятларни кенгайтириш, микро молиялаштиришни ривожлантириш, инновациялар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик бизнес билан кооперацияни ривожлантиришнинг янги инструментларини амалиётга жорий этишни ҳамда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашни тақозо этмоқда.

Шу боис, молия тизими жамиятнинг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда исломий молия дунё миқёсида тобора оммалашиб бормоқда ва анъанавий молия тизимига муқобил сифатида ривожланмоқда. Дарҳақиқат дунёда икки хил молия тизими - анъанавий ва ислом молияси фаол ривожланмоқда. Кўплаб мамлакатлар ўз молия тизимларига исломий молия инструментларини жорий этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги тараққиёт стратегиясининг З йўналиши “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” бўйича бир қатор вазифалар белгиланган[1]. Жумладан, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик



инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторга кенг йўл очиш, иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтириш, экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030 стратегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланганидек, иқтисодиётда трансформация ва институционал ислоҳотларни изчил давом эттириш, мамлакатда қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини аъминлаш ҳамда мувозанатлашган пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ҳамда камида 3 та тижорат банкларида ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш, ислом молиясининг қонуний асосларини шакллантириш бугунги куннинг муҳим устувор вазифаларидир.

Таъкидлаш жоизки, ислом иқтисодиётининг моҳияти маънавий масъул бозор иқтисодиёти тизимини яратишдан иборат. Унинг ўзига хос жиҳатларидан бири шахснинг ва жамиятнинг майшатини эмас, балки ҳақиқий эҳтиёжларини қондиришдир. Ислом иқтисодиёти модели бойликларнинг жамият ичидаги адолатли тақсимланишига алоҳида эътибор қаратади, бусиз ижтимоий баркамоллик (уйғунлик) ва иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин эмас, деб ҳисоблади. Шунингдек, ислом иқтисодиётининг асосий қадриятлари жумладан, иқтисодий фаровонлик, тенг ҳуқуқлилик ва хавф-хатарларни тақсимлаш ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ва диний бағрикенгликка қаратилган.

Мавзуға оид адабиётлар таҳлили

Ислом молияси – шариат қонунларига мувофиқ равишда молиявий фаолиятни ташкил қилиш тизимиdir. У оддий молия тизимларидан ўзининг асосий принциплари, мақсадлари ва молиявий воситалари билан фарқ қиласди. Ислом молияси нафақат мусулмонлар жамоаси учун, балки барча учун қонуний, адолатли ва барқарор иқтисодий муносабатларни таъминлашни мақсад қиласди.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларида Осиё, Африка ва Яқин Шарқ мусулмон ўлкаларининг мустақилликка эришишлари ҳамда 70-йилларда жаҳон



бозорида бўлиб ўтган нефт инқирозлари ҳозирги замонавий Ислом молияси тизимининг вужудга келишига туртки бўлди. Нефть экспорт қилувчи Форс кўрфази давлатларининг молиявий аҳволи яхшилана бошлади. Ислом оламининг давлат арбоблари, сиёсатшунослари ва диний уламолар бир неча марта йиғилишиб, мусулмонлар учун зарур Ислом молияси ва Ислом банк тизимини яратиш ҳақида анжуманлар ўтказиши. Натижада, 1975 йил мусулмон давлатларининг ҳамкорлигига Саудия Арабистонида жойлашган Ислом Тараққиёт Банки (Islamic Development Bank) ташкил этилди. Мазкур йилнинг ўзида шу минтақанинг бир қанча тадбиркорлари иштирокида дунёнинг биринчи хусусий Ислом банки – Дубай Ислом Банки (Dubai Islamic Bank) ташкил этилди. Икки йилдан сўнг яна учта Ислом банки: Мисрнинг Файсал Ислом Банки (Faisal Islamic Bank of Egypt), Суданнинг Файсал Ислом Банки (Faisal Islamic Bank of Sudan) ва Қувайтнинг Kuwait Finance House номли Ислом банклари фаолият бошлади[6].

Ҳозирда ислом молияси сектори йилига 15% дан 25% гача ўсиб бормоқда, бу йўналишдаги институтлар эса жаҳонда \$2,7 трлндан ортиқ активларни бошқармоқда.

Сўнгги йилларда, айниқса 2008 йилдаги жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози шароитида ўзини барқарор тутган ислом молия тизимига бўлган қизиқиш ортди. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб — китобларига кўра, ҳозирги вақтда исломий молия 105 та мамлакатда ишлаб турибди, аксарият мамлакатлар қонунчилигига мазкур соҳа учун меъёрий-ҳуқуқий асосни яратишга муваффақ бўлинди. Ислом дунёсининг ўзида мазкур молиявий муассасалар молиявий муносабатларнинг асосий иштирокчилари бўлиб қолмоқдалар.

Исломий молиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши унинг асослари яратилишида дунёнининг бир қатор олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилган (1-жадвал).

1-жадвал

Мавзуга оид илмий ёндашувлар

T/p	Мавзуга оид адабиёт муаллифлари	Мавзуга оид адабиёт муаллифларининг талқини
1	Муҳаммад Тақий Усмоний	“Ислом молияси асослари” китоби асосчиси. Ислом молиявий тизимининг асосий



		тамойиллари ва қоидаларини назарий асосларини ва амалий жиҳатларини очиб берган.
2	Мұхаммад Наждотуллох	«Исломий банк иши» (Исламис Банкинг) асари асосчиси. Ислом молия тизими ва банкчилиги соҳасидаги муҳим илмий ишлардан бири ҳисобланади. Унда исломий банкларнинг назарий асослари, амалий жараёнлари ва шариатга мувофиқ ишлаш тамойиллари атрофлича ёритиб берилган.
3	Захид Ҳусай	“Ислом молия маҳсулотлари” китобининг асосчиси. Ислом молия маҳсулотларининг анъанавий молиявий воситалардан асосий фарқлари чуқур таҳлил қылған. Шариат қоидаларига асосланған исломий молия воситалари ва анъанавий молия тизими ўртасидаги туб фарқларини очиб берган
4	Абдулазиз Байндин	«Исломий молия шартномалари» (Исламис Финансиал Сонтрастс) китоби асосчиси. Ислом молия тизимида қўлланиладиган асосий шартномалар, уларнинг ҳуқуқий ва амалий асослари, шунингдек, шариат қоидаларига мувофиқ ишлаш тамойилларини кенг ёритиб берган ва замонавий молиявий жараёнларга татбиқ этиш бўйича қимматли манба ҳисобланади.
5	Е.А.Байдаulet	«Исломий молия асослари» китоби муаллифи. бир неча йиллар давомида Ислом тараққиёт банки (ИТБ)нинг Қозоғистондаги вакили, кейинчалик ИТБда Марказий Осиё, Албания ва Озарбайжон давлатлари номидан ижрочи директор лавозимида ишлаган. Ҳозирда Қозоғистонда исломий молиялаштириш тизимини тарғиб қилиш ва ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.



Юқорида келтирилган олимларимизнинг илмий тадқиқот ишларида ислом молиясининг шариат қоидаларига мувофиқ ишлаш тамойилларини кенг ёритиб берилган бўлиб унинг замонавий молиявий жараёнларга татбиқ этиш бўйича ўз фикрларини баён этган. Ислом молиясининг ривожланиши барқарор иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилиши бўйича ўз тавсияларини келтириб берилган.

Тадқиқот методологияси

Мавзуни илмий ўрганиш, тарихий-мантиқийлик, таҳлил ва тадқиқ этиш жараёнида тизимли таҳлил, статистик таҳлил ва илмий абстракция каби усулларидан фойдаланилган. Мақолада, ислом молияси ривожланиш тарихи тарихийлик усули орқали ҳозирги даврдаги жаҳон молия бозоридаги ўрни, мамлакат миллий иқтисодиётида ислом молиясини тутган ўрнига ва аҳамиятига мос равишда илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар берилди.

Таҳлил ва натижалар

Ислом молияси – шариат қонунларига мувофиқ равишда молиявий фаолиятни ташкил қилиш тизимиdir. У оддий молия тизимларидан ўзининг асосий принциплари, мақсадлари ва молиявий воситалари билан фарқ қиласди. Ислом молияси нафақат мусулмонлар жамоаси учун, балки барча учун қонуний, адолатли ва барқарор иқтисодий муносабатларни таъминлашни мақсад қиласди.

Малайзия исломий молия модели исломий молия соҳасида дунё миқёсидаги энг илғор тажрибалардан бири ҳисобланади. Бу модель ислом молиясининг амалиётда кенг қўлланиши ва халқаро миқёсда етакчиликка эришиши билан ажralиб туради. Малайзия ислом молияси тизимини шакллантиришдаги муваффақиятнинг асосий сабаблари қонунчилик, молиявий инфратузилма ва давлат сиёсатининг муваффақиятли уйғунлашувиададир. *Малайзия исломий молия модели хусусиятлари (1-расм).*



1-расм. Малайзия исломий молия модели ҳұсусиятлары²

Сүнгги йилларда исломий молия ФинТех соҳалари билан бир қаторда, шунингдек, халқаро молиявий хизматлар саноатида әнг жонли ва шу билан бирга ҳали күзге яққол ташланмаган тармоқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Исломий молия атамаси маҳсулот ва хизмат турларининг кенг доирасини ўз ичига олади. Ислом молияси ва банкининг умумий амалиётлари ислом динининг ўрнатилиши билан бирга пайдо бўлди. Бироқ, институционал ислом молияси XX асрдан кейин ташкил этилган. Қардус нашрининг маълумот беришича, айни пайтда ислом молия сектори йилига 15 фоиздан 25 фоизгача ўсиб бормоқда, ислом молия институтлари эса дунё бўйлаб умумий қиймати 2,7 триллион доллардан зиёд активларни бошқармоқда[4].

Ҳозирги вақтда Ислом молияси әнг яхши йўлга қўйилган учта давлат Саудия Арабистони, Эрон, Малайзия кўрсаткичлар кўлами бўйича глобал бозор ҳажмининг 66 фоизига әгалик қиласи.

² Маълумотлар асосида муаллифлар ишланмаси.



Ўзбекистонда «Ислом банк иши ва молияси» ташкилоти (АлҲуда) фикрича, МДҲ мамлакатларида ислом молия саноатининг ўсиши бошқа давлатларга қараганда секироқ, аммо бу минтақада имкониятларнинг ортиб бораётгани туфайли жаҳон ҳалқаро банк саноатининг эътиборини тортмоқда. МДҲ давлатлари ҳукуматлари ушбу секторни ривожлантириш бўйича ташаббус кўрсатса, кейинги беш йил ичидаги ислом банки иши сезиларли даражада ўсади[6].

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон МДҲда ислом банки ва молиясининг бу кенгайишида етакчилик қилувчи асосий ўйинчилар бўлиши мумкин, дейилади баёнотда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ислом молиясига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг 35 миллион ортиқ аҳолига эга муҳим давлати, аҳолисининг 93 фоиз қисми мусулмонлардир. У нафақат газ, нефть ва бошқа табиий ресурсларга бой, балки азалдан ҳам илм ва ислом динининг марказларидан бири бўлиб келган[7].

Дастлаб, 2003 ва 2004 йилларда Ўзбекистон ИТБ ва хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорациясига (ICD) аъзолиги орқали ислом молиясини тан олиш йўлида муҳим қадамлар қўйди. Бу институтлар ва ҳукумат ўртасидаги барқарор алоқалар исломий молияга ушбу бозорга кириш нуқтасини қўлга киритиш имконини берди.

Таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида ислом молияси бир қатор афзалликларга эга бўлиб, улар иқтисодий барқарорлик, ижтимоий адолат ва ахлоқий молиявий амалиётларни рағбатлантиради.

Ислом молиясининг 5 та иқтисодий ва молиявий дастаги мажуд (2-расм).



2-расм. Ислом молиясининг иқтисодий молиявий дастаклари

Молиявий тизимлар жамиятнинг иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Бироқ, ислом молияси ва анъанавий молия иккала тизим ҳам молиявий муносабатларни бошқаради уларнинг асосий тамойиллари ва амалиёти сезиларли даражада фарқ қиласди. Фарқли жиҳатлари шундан иборатки, Ислом молиясининг асосий хусусияти - унинг диний ва ахлоқий тамойилларга асосланганлиги, риск ва фойдани адолатли тақсимлаш ҳамда ижтимоий масъулияти инвестицияларга эътибор қаратишидир. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида иккала тизим ҳам параллел равишда фаолият юритмоқда ва ўз мижозларига хизмат кўрсатмоқда.

Асосий фарқларни кўриб чиқамиз (2-3-жадваллар)

2-жадвал

Ҳуқуқий асос ва тамойиллар

T/P	Хусусият	Ислом молияси	Анъанавий молия
1	Тамойиллар	Шариат қонунларига асосланган	Тижорат ва фойда тамойиллари
2	Фоиз(Рибо)	Таъқиқланган	Асосий восита



3	Фаолият доираси	Ахлоқий ва ҳалолликка асосланган	Иқтисодий даромадга асосланган
---	-----------------	----------------------------------	--------------------------------

Ислом молияси: Шариат қонунларига асосланади. Рибо (фоиз) тақиқланган. Ҳалоллик, адолат ва барқарорлик устувор бўлиб, иқтисодий амалиётлар ахлоқий ва ижтимоий масъулият доирасида олиб борилади.

Анъанавий молия: Асосан тижорат манфаатларига асосланган. Фоиз (йиллик ставкалар) иқтисодий муносабатларнинг марказида туради.

3-жадвал

Молиявий воситалар ва хизматлар

T/P	Молиявий восита	Ислом молияси	Анъанавий молия
1	Кредитлаш	Муробаҳа, Мушарақа, Ижара	Фоизли кредитлар
2	Рискни тақсимлаш	Ҳамкорлик асосида	Қарздор зиммасида
3	Инвестициялар	Ҳалол лойиҳаларга йўналтирилади	Фойда берадиган барча соҳалар

Ислом молияси: Муробаҳа (савдо асосида молиялаш), Мушарақа (ҳамкорлик асосида капитал киритиш) ва Ижара (ижара асосидаги битимлар) каби воситалардан фойдаланади.

Анъанавий молия: Кредитлаш, фоизли қарзлар ва рискларни тақсимлашга асосланган суғурта хизматларини таклиф қиласди.

Таъкидлаш жоизки, анъанавий ва ислом молиясида рискларни бошқариш ҳамда ижтимоий масъулиятни таъминлаш борасида ҳам ўзига хос фарвли жиҳатларни кўришимиз мумкин (3-расм).





3-расм. Ислом молиясида риск (хатар) ларнинг ўзига хос фарқли жиҳатлари³

Таъкидлаш жоизки, анъанавий банкларнинг хатари асосан кредит қайтмаслиги билан боғлиқ. Шунинг учун улар кредит таъминотига (гаров/кафолат) асосий эътиборни қаратишади. Уларнинг даромади молиялаштирилаётган бизнес лойиҳа муваффақият қозониши ёки қозонмаслигига бевосита боғлиқ эмас, чунки улар кредит ажратилган вақтдан бошлаб фоиз олишни бошлашади.

Бироқ, ислом банклари бундай ишлашлари мумкин эмас. Агар лойиҳа олди-сотди амалиёти орқали молиялаштирилаётган бўлса, у ҳолда ислом банклари бир неча хил хатарларни инобатга олишлари керак бўлади. Жумладан, сотиб олинаётган актив банқдан мижозга ўтгунгача бўлган муддатдаги активни эгалиги билан боғлиқ хатарлар, сотиб олинаётган актив нархларини ўзгариши билан боғлиқ хатарлар, мижознинг тўловга қобилиятлилиги билан боғлиқ хатарлар. Агар лойиҳа фойда-зарар тақсимотига асосланган молиявий маҳсулотларни қўллаш орқали молиялаштирилаётган бўлса, у ҳолда инвестиция билан боғлиқ хатарлар лойиҳа якунига етгунга қадар давом этади[4]. Агар лойиҳа муваффақиятли бўлса икки томон ҳам фойда олади, агар лойиҳа муваффақиятсиз бўлса, у ҳолда икки томон ҳам зарар кўради.

Шу боис, ислом молиясининг асосий ижтимоий масъулияти шундан иборатки, унда фаолиятнинг ҳар бир босқичи ижтимоий тенглик ва адолатни таъминлашга йўналтирилган.

Бугунги кунда ислом молияси анъанавий молия тизимиға муқобил сифатида кўпгина мамлакатларда ривожланиб бормоқда ва унинг афзалликлари тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

Шунингдек, ислом молияси глобал молия бозорининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Унинг шариатга асосланган тамойиллари нафақат мусулмон жамоалари, балки кенг жамоатчилик учун ҳам диққатга сазовордир. Барқарорликка, адолатли муносабатларга ва ижтимоий манбаатларга қаратилганлиги туфайли, у халқаро миқёсда тобора кўпроқ эътибор қозонмоқда.

³ Маълумотлар асосида муаллифлар ишламаси.



Ислом молиясининг бир қатор афзалликлари мавжуд бўлиб уларни қўйида кўриб чиқамиз (4-расм)

Аҳлоқий тамоилиларга асосланishi

- Фоизсиз молиялаштириш тизими
- Ҳалол фаолият турларига йўналтирилганлиги

Иқтисодий барқарорлик

- Спекулятив операцияларнинг тақиқланиши
- Реал активларга асосланган молиялаштириш
- Молиявий рискларнинг

Ижтимоий адолат

- Фойданинг teng тақсимланиши, заиф қатламларни ҳимоя қилиш

Закот ва садақа механизmlари орқали ижтимоий тенглик таъминланади.

Инвестиция учун кенг имкониятлар

- Сукук (исломий облигациялари) глобал бозорларда юкори талабга эга.

- Барқарор ва этик инвестиция имкониятлари орқали даромадли сармоя киритиш

Юқорида келтирилган маълумотлардан куринио турибдики, хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Ҳозирги кунда хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича барча мамлакатлар рақобат майдонига киришган. Ўзбекистон қаторидаги давлатлар ўз маблағлари билан кирадиган инвесторлар учун қулай қонунчилик ва солиқ базаси, инфратузилма ва барча зарурий шарт-шароитлар яратиб беришмоқда. Хусусан, араб ва мусулмон давлатлардан келувчи инвесторлар учун ссломий банклар ва тақафул суғурта компанияларини ташкил қилишмоқда.

Йирик инвестицион дастурларга эга бўлган Ўзбекистоннинг ҳам керакли ислом молия инфратузилмасини яратиши ҳозирги замон талабидир. Халқаро аренада давлат обрўи. Ислом молия ва Исломий банк тўғрисидаги қонунлар мамлакатнинг виждан эркинлиги ва диний эркинлик бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатларига янада ёрқин ва кескин тус бериб, унинг мусулмон оламида ва бошқа дунё давлатларининг



назарида мустақил, эркин, демократик давлат деган обрўйига катта ҳисса қўшади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, ислом молияси бугунги кунда дунёning кўплаб давлатлари яъни мусулмон ва мусулмон бўлмаган давлатларда фаолият олиб бормоқда. Ислом молия тизими тараққиёт йўлининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний-маърифий ва бошқа соҳаларида жадал ислоҳотлар ва ўзгаришлар олиб бораётган Ўзбекистон учун бугунги кун талабидир. Мамлакатимизда ислом молия тизимини жорий этиш бир қатор масалаларни ҳал этишни талаб қиласди, жумладан: Ўзбекистоннинг 2030 йилга мўлжалланган стратегиясида ислом молиясининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва уни тижорат банкларида жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар исломий молия тизимининг келажагини белгилайди.

Шу боис, Ўзбекистонда ислом молияси тизимини жорий этиш учун молия соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни ўрганиш ва уларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати вужудга келган. Ўзбекистон фонд бозори ва банк тизимиға ислом молиясини муваффақиятли ва самарали жорий этишда соҳа бўйича чуқур билимга эга бўлган кадрлар тайёрлаш зарур. Бу борада иқтисодиёт йўналишидаги Олий таълим мұасссаларида “Ислом молияси” фанини ўқитиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-20226 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 -сон Фармони. 2022 йил 28 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон - 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. 2023 йил 11 сентябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил

19 июлдаги “Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 23/4-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси



Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3536.

4. Е.А.Байдаулет. “Исломий молия асослари” (матн). Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019 йил -432 б.

5. Maalaziya taraqqiyot tajribasi seriyasi. Islamic Finance and the Development of Muslim Countries. 2022-yil oktyabr.

6. О.Т. Астанакулов “Ислом молияси асослари: тараққиёт босқичлари, истиқболлари”. Мақола. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı. № 5, sentyabr-oktyabr, 2021 yil.

7. <https://www.gazeta.uz/oz/2022/10/17/islamic-finance/>

8.https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/2_Astanakulov.pdf